**Ўзбекистон Республикаси**

**Туризмни ривожлантириш**

**Давлат қўмитаси**

**Раисининг 2019 йил 14 январдаги**

**№05-П сонли буйруғига илова**

**Жойлаштириш воситаларининг раҳбарлари, мутахассислари, хизматчилари ва ишчиларининг сонини меъёрлаш бўйича**
# МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Ушбу Методик тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги 538-сонли “Ўз кучини йўқотаётган умуммажбурий идоравий ҳужжатларнинг ўрнига янги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва жойлаштириш воситаларининг раҳбарлари, мутахассислари, хизматчилари ва ишчиларининг меъёрий сонини аниқлаш учун мўлжалланган. Тавсия этиладиган меъёрий сон, иш жойларини бажариладиган ишнинг хусусиятига мос равишда зарур техника, инвентарь ва жиҳозлар билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда амалдаги хавфсизлик техникаси ва техник эксплуатация қоидаларига мувофиқ иш бажаришнинг энг кўп тарқалган шароитлари учун белгиланган.

## 1-боб. Раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар

### §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

1. Барча тузулмавий бўлинмаларнинг иши ва ўзаро самарали муносабатини ташкиллаштириш. Бинолар, иншоотлар, жиҳозларнинг ўз вақтида капитал ва жорий таъмирини, мебель ва инвентарнинг таъмирини, барча хоналарнинг тўғри сақланиши, барча хизматларнинг аниқ ва авария ҳолатисиз ишлашини таъминлаш.

2. Меҳнатни муҳофаза қилиш, жиҳоз ва асбобларнинг хавфсизлик техникаси ва техник эксплуатацияси бўйича қоидаларга қатъий риоя қилишни таъминлаш. Ёнғинга қарши ҳимояни амалга оширишни назорат қилиш.

3. Янги техника ва ишларнинг илғор технологияларини, ҳисоблаш техникасини жорий қилиш. Иш шакли ва усулларини такомиллаштириш.

4. Жойлаштириш воситаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, ишчиларнинг билим ва тажрибаларидан самарали фойдаланиш, уларнинг малакасини ошириш, уларнинг меҳнати учун қулай шароитлар ташкил этиш бўйича чоралар кўриш.

5. Яшовчиларга хизмат кўрсатишнинг юқори маданиятини, тақдим этиладиган хизматларнинг сони ва сифатини оширишни таъминлаш. Жойлаштириш воситаларининг санитария ҳолатини назорат қилиш.

### §2. Лавозимларнинг намунавий рўйхати

6. Директор, директор ўринбосари, бош муҳандис, бош муҳандис ўринбосари, корпус (филиал) мудири.

Тоифасиз жойлаштириш воситалари учун (меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари, ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари, хостеллар, ётоқхоналар)

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | |
|---|---|---|---|
| | 10 гача | 11 - 50 | 51 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | |
| 100 гача | 1 | 2 | 3 |
| 101 ва ортиқ | 2 | 3 | 4-6 |

* - ** (1 - 2 юлдуз) тоифадаги меҳмонхоналар учун

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 200 гача | 201 - 800 | 801 - 1500 | 1500 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | | |
| 100 гача | 1 - 1,5 | 2 | | |
| 101 - 300 | 1,5 - 2 | 2,5 | | |
| 301 - 800 | 2,5 - 3 | 3 - 4 | | |
| 801 - 1500 | | 4,5 | 5,0 | |
| 1501 - 3000 | | 5 | 5,5 | |
| 3001 ва ортиқ | | | 5,5 - 6 | 6,5 - 7 |

*** - ***** (3 - 5 юлдуз) тоифадаги меҳмонхоналар учун

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 200 гача | 201 - 800 | 801 - 1500 | 1500 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | | |
| 100 гача | 1 - 2 | 2 - 2,5 | | |
| 101 - 300 | 2 | 3 | | |
| 301 - 800 | 2 - 3 | 3 - 4 | | |
| 801 - 1500 | | 4 - 5 | 5 - 6 | |
| 1501 - 3000 | | 5 - 6 | 6 - 7 | 8 - 9 |
| 3001 ва ортиқ | | 7 - 7,5 | 8,5 | 9 - 10 |

## 2 боб. Бухгалтерлик ҳисоби бўйича мутахассислар

### §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

7. Жойлаштириш воситаларининг хўжалик-молиявий фаолиятининг бухгалтерлик ҳисобини ташкиллаштириш. Моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан режали фойдаланишни, мулк сақланишини назорат қилиш.

8. Ҳисобга олиш-ҳисоблаш ишларини максимал марказлаштириш ва механизацияламтириш асосида ҳисобга олиш ва ҳисобот беришни оқилона ташкиллаштириш. Тушадиган пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ва асосий маблағларни ҳисобга олишни ташкиллаштириш.

9. Жойлаштириш воситалари ишчиларига иш ҳақи бўйича ҳақ тўлаш, ўз вақтида давлат бюджетига тўловларни, давлат ижтимоий суғуртасига бадалларни ҳисоблаш ва ўтказиш ва ҳ.к.

10. Молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш. Бухгалтерлик ҳисоботларини тузиш.

11. Пул маблағлари ва қимматбаҳо қоғозларни қабул қилиш, бериш ва сақлаш бўйича операцияларни амалга ошириш. Кирим ва чиқим ордерлари асосида касса китобларини юритиш, пул маблағлари ва қимматбаҳо қоғозларнинг ҳақиқий

мавжудлигини китобдаги қолдиқ билан солиштириш, касса ҳисоботини тақдим қилиш.

12. Банкдан ҳужжатлар бўйича пул суммаси ва қимматбаҳо қоғозларни олиш.

**§2. Лавозимларнинг намунавий рўйхати**

13. Бош бухгалтер, бош бухгалтер ўринбосари, бухгалтер, кассир.

Тоифасиз жойлаштириш воситалари учун (меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари, ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари, хостеллар, ётоқхоналар)

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | |
|---|---|---|---|
| | 10 гача | 11 - 50 | 51 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | |
| 100 гача | 1 | 2 | 3 |
| 101 ва ортиқ | 2 | 3 | 4-6 |

* - ***** (1 - 5 юлдуз) тоифадаги меҳмонхоналар учун

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 200 гача | 201 - 800 | 801 - 1500 | 1501 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | | |
| 100 гача | 4 | 4 - 5 | | |
| 101 - 300 | 4 - 5 | 5 - 6 | | |
| 301 - 800 | 6 - 7 | 7 - 9 | | |
| 801 - 1500 | | 11 - 13 | 13 - 15 | |
| 1501 - 3000 | | 13 - 15 | 15 - 17 | 17 - 19 |
| 3001 - 5000 | | 15 - 19 | 19 - 22 | 22 - 26 |
| 5001 ва ортиқ | | | | 26 - 31 |

## 3 боб. Молия-иқтисодиёт фаолияти бўйича мутахассислар

**§1. Ишларнинг намунавий рўйхати**

14. Жойлаштириш воситалари фаолиятининг барча турлари бўйича истиқболли режаларни ва уларнинг асосланган ҳисоб-китобларини тайёрлаш.

15. Режа кўрсаткичларини бўлинмаларгача етказиш. Моддий ва меҳнат харажатларининг ўсиб борувчи режадаги техник-иқтисодий нормативларини, иш ва хизматлар учун доимий ва вақтинчалик нархлар, тарифлар лойиҳаларини тайёрлаш ва б. Жойлаштириш воситалари фаолияти барча турларининг иқтисодий таҳлилини ўтказиш.

16. Капитал маблағлардан самарали фойдаланиш, рентабилликни ошириш, йўқотишлар ва оқилона бўлмаган харажатларни бартараф этиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш. Янги техника ва технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

17. Хизматларни амалга ошириш бўйича режани бажаришни ҳисобга олиш. Корхона бўлинмаларининг молиявий кўрсаткичлари бажарилишини, етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилишни, корхона ҳисобига киритиладиган барча пул маблағларининг ўз вақтида тушишини текширади, иқтисод режимига риоя қилинишини таъминлайди.

**§2. Лавозимларнинг намунавий рўйхати**

18. Бўлим бошлиғи, иқтисодчи (режалаштириш бўйича, молиявий ишлар бўйича).

Тоифасиз жойлаштириш воситалари учун (меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари, ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари, хостеллар, ётоқхоналар)

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | |
|---|---|---|---|
| | 10 гача | 11 - 50 | 51 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | |
| 100 гача | 1 | 2 | 3 |
| 101 ва ортиқ | 2 | 3 | 4-6 |

* - ** (1 - 2 юлдуз) тоифадаги меҳмонхоналар учун

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 200 гача | 201 - 800 | 801 - 1500 | 1501 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | | |
| 1000 гача | 1 | 1 - 1,5 | | |
| 1001 - 1500 | 1,5 | 1,5 - 2 | | |
| 1501 - 3000 | | 2 - 2,5 | 2,5 - 3,0 | |
| 3001 ва ортиқ | | | 3 - 3,5 | 3,5 - 4 |

*** - ***** (3 - 5 юлдуз) тоифадаги меҳмонхоналар учун

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 200 гача | 201 - 800 | 801 - 1500 | 1501 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | | |
| 1000 гача | 1 | 1 - 1,5 | | |
| 1001 - 1500 | | 1,5 - 3 | 3,0 - 3,5 | |
| 1501 - 3000 | | 3,0 - 3,5 | 3,5 - 4 | |
| 3001 - 5000 | | | 4 - 7 | 7 - 8 |
| 5001 ва ортиқ | | | | 8 - 9 |

## 4-боб. Ходимлар билан ишлаш бўйича мутахассислар

### §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

19. Жойлаштириш воситасини талаб этиладиган касб, ихтисослик ва малакали ишчи ва хизматчилар билан таъминлаш. Янги техника, технология ва жараёнларни механизацияластиришни жорий қилиш муносабати билан ишчилар таркиби ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда комплектлашнинг жорий ва истиқболли режаларни ишлаб чиқиш.

20. Меҳнат қонунчилигига мувофиқ ишчиларни қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатишни ўз вақтида расмийлаштиришни, шахсий таркиб ҳисобини юритишни, меҳнат дафтарчасини сақлаш ва тўлдириш ҳамда ходимлар бўйича белгиланган ҳужжатларни юритишни, ҳисоб-китобни тузиш ташкиллаштириш.

21. Ходимлар билан ишларни ўрганиш ва умумлаштириш, ходимлар қўнимсизлиги сабабларини таҳлил қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ходимларни бириктириш бўйича таклифларни тайёрлаш.

22. Табель ҳисобини юритиш, меҳнат таътили жадвалларини тузиш ва бажариш, меҳнат интизоми ҳолатини текшириш. Ишчиларнинг нафақага чиқиши учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш.

23. Ишчиларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини расмийлаштириш, унга меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ўзгартиришларни киритиш. Малакавий аттестация комиссияси учун зарур материалларни тайёрлаш.

24. Белгиланган муддатлар тугагандан кейин архивга ҳужжатларни тайёрлаш. Ишчиларнинг касбий ўқишини ва мутахассисларнинг малакасини оширишни ташкиллаштириш. Ўқув жараёнини зарур методик адабиётлар билан таъминлаш.

### §2. Лавозимларнинг намунавий рўйхати

25. Бўлим бошлиғи, ходимлар бўйича инспектор, ходимлар тайёрлаш бўйича муҳандис.

Тоифасиз жойлаштириш воситалари учун (меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари, ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари, хостеллар, ётоқхоналар)

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | |
|---|---|---|---|
| | 10 гача | 11 - 50 | 51 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | |
| 100 гача | 1 | 2 | 3 |
| 101 ва ортиқ | 2 | 3 | 4-6 |

* - ***** (1 - 5 юлдуз) тоифадаги меҳмонхоналар учун

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 200 гача | 201 - 800 | 801 - 1500 | 1501 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | | |
| 1000 гача | 1 - 2 | 2 - 2,5 | | |
| 1001 - 1500 | | 2,5 - 3 | 3 - 3,5 | |
| 1501 - 3000 | | 3 - 3,5 | 3,5 - 4 | |
| 3001 - 5000 | | 3,5 - 4 | 4,5 - 5 | 5 - 7 |
| 5001 ва ортиқ | | | 7 - 8 | 8 - 10 |

## 5-боб. Моддий-техник таъминот ва хўжалик хизмати бўйича мутахассислар

### §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

26. Корхона фаолият юритиши учун барча зарурий моддий ресурслар билан таъминлаш. Моддий ресурсларнинг ишлаб чиқариш захираларини аниқлаш.

27. Материаллар ва бутловчи қисмлар захиралари ҳолатини назорат қилиш, моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, омборда товар-моддий бойликларни сақлаш қоидаларига риоя қилишни таъминлаш.

28. Товар-моддий бойликларни тезкор ҳисобини юритишни ташкиллаштириш, ҳисобот ҳужжатларини ўз вақтида тузилишини таъминлаш. Товар-моддий бойликларга талабларни белгилаш, уларни сифатини ва тўлиқлигини текшириш.

29. Юкларни йўлдалигида кузатишни, транспортда ташишда уларни бутлигини сақлашни таъминлаш.

30. Омборга товар моддий бойликларини қабул қилиш, сақлаш ва бериш, омбор майдонидан оқилона фойдаланган ҳолда уларни жойлаштириш. Омбор биносини санитар ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ тартибли ҳолда сақлашни таъминлаш.

## §2. Лавозимларнинг намунавий рўйхати

31. Бўлим бошлиғи, маҳсулот юритувчи, хўжалик мудири, омбор мудири, марказий омбор мудири, юкларни ташиш бўйича экспедитор.

Тоифасиз жойлаштириш воситалари учун (меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари, ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари, хостеллар, ётоқхоналар)

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | |
|---|---|---|---|
| | 10 гача | 11 - 50 | 51 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | |
| 100 гача | 1 | 2 | 3 |
| 101 ва ортиқ | 2 | 3 | 4-6 |

* - ** (1 - 2 юлдуз) тоифадаги меҳмонхоналар учун

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 200 гача | 201 - 800 | 801 - 1500 | 1501 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | | |
| 500 гача | 1 - 1,5 | 1,5 - 2 | | |
| 1501 - 1000 | 2 - 3 | 3 - 3,5 | | |
| 1001 - 1500 | | 3,5 - 4 | 4 - 5 | |
| 501 - 3000 | | 4 - 5 | 5 - 6 | |
| 3001 ва ортиқ | | | 6 - 7 | 7 - 9 |

*** - ***** (3 - 5 юлдуз) тоифадаги меҳмонхоналар учун

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 200 гача | 201 - 800 | 801 - 1500 | 1501 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | | |
| 500 гача | 3 | 3 - 4 | | |
| 501 - 1000 | 3 - 4 | 4 - 5 | | |
| 1001 - 1500 | | 5 - 6 | 6 - 7 | |
| 1501 - 3000 | | 6 - 8 | 7 - 9 | |
| 3001 - 5000 | | | 9 - 11 | 11 - 12 |
| 5001 ва ортиқ | | | 11 - 12 | 12 - 13 |

# 6-боб. Таъмирлаш ва энергетик хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар

## §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

32. Бино, иншоотлар ва жиҳозларни таъмирлашни жорий ва истиқболли режаларини, ҳамда алоҳида хизматлар ишчи режаларини ишлаб чиқиш. Вазифалар ва таъмирлаш жадвалларини ишлаб чиқиш ва уларни ижрочиларга етказиш.

33. Хизматларни техник ҳужжатлар, материаллар, жиҳозлар, асбоблар билан таъминлашни тезкор назорат қилишни ташкиллаштириш.

34. Участкаларда меҳнатни ташкил қилиш, ишчиларни тақсимлаш ва бригадалар ташкил қилиш.

35. Жиҳознинг техник ҳолатини текшириш. Жиҳоз, бино, иншоот ва бошқа асосий фондларни ҳисобини юритиш ва паспорт жорий қилиш.

36. Жиҳозларни ўз вақтида созлаш ва таъмирлаш, таъмирлашнинг илғор тизимлари

ва усулларини жорий қилиш. Технологик жараёнларга риоя қилишни назорат қилиш.

37. Таъмир ишлари сифатини текшириш. Таъмир муддатлари ва қийматини камайтириш чораларини амалга ошириш.

38. Бино, иншоот ва жиҳозларни эксплуатация қилишни ташкиллаштириш ва яхшилашни таъминлаш, жиҳозлар, сув таъминоти тизими, канализация, электр таъминоти ва бошқаларни таъмир оралиғида хизмат кўрсатиш муддатларини узайтириш.

39. Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси қоидалари ва ишлаб чиқариш санитарияси бажарилиши бўйича ишчиларга ишлаб чиқариш инструктажи ўтказиш, ҳамда уларга амал қилинишини назорат қилиш.

40. Таъмирлаш – энергетик хизмат кўрсатиш функциясида қуйидаги гуруҳ ва хизматларнинг ишлари кўзда тутилган:

| т/р | Хизматлар (гуруҳлар) номи | Мазкур функция бўйича таъмир ишчиларининг умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| 1. | Электр кучланиш хўжалиги | 5,9 |
| 2. | Сантехника хизмати | 5,9 |
| 3. | Вентиляция ва автоматика хизмати | 11,8 |
| 4. | Заиф токлар хизмати | 21,6 |
| 5. | Лифт хизмати | 19,6 |
| 6. | Мухим хўжалик гуруҳи | 2 |
| 7. | Ишлар бошқармаси (умумий бўлим) | 3,9 |
| 8. | Марказий бошқарув пульти | 19,6 |
| 9. | Автоматлаштириш бўлими (ИКТ) | 9,8 |

## §2. Лавозимларнинг намунавий рўйхати

41. Бўлим (хизмат, участка) бошлиғи, таъмир бўйича муҳандис (турли жиҳоз ва бошқа асосий фондларни таъмирлаш бўйича барча мутахассисликдаги муҳандислар), техник, уста.

Тоифасиз жойлаштириш воситалари учун (меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари, ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари, хостеллар, ётоқхоналар)

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | |
|---|---|---|---|
| | 10 гача | 11 - 50 | 51 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | |
| 100 гача | 1 | 2 | 3 |
| 101 ва ортиқ | 2 | 3 | 4-6 |

* - ***** (1 - 5 юлдуз) тоифадаги меҳмонхоналар учун

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 15 гача | 16 - 30 | 31 - 50 | 51 - 70 | 71 - 100 | 101 - 150 | 151 - 200 | 201 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | | | | | | |
| 100 гача | 1 - 2 | 2 - 3 | | | | | | |
| 101 - 300 | 2 - 3 | 3 - 5 | | | | | | |
| 301 - 500 | | 4 - 6 | 6 - 8 | | | | | |
| 501 - 1000 | | | 8 - 10 | 10 - 12 | | | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1001 - 1500 | | | 10 - 12 | 12 - 14 | 14 - 16 | | | |
| 1501 - 3000 | | | 16 - 18 | 18 - 24 | 24 - 30 | | | |
| 3001 - 5000 | | | 24 - 32 | 32 - 40 | 40 - 48 | 48 - 56 | 56 - 64 | |
| 5001 ва ортиқ | | | 32 - 40 | 40 - 48 | 48 - 56 | 56 - 64 | 64 - 72 | 72 - 80 |

## 7-боб. Қабул қилиш ва жойлаштиришни ташкиллаштириш бўйича мутахассислар

### §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

42. Жойлаштириш воситасига келганларга паспорт ёки бошқа шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинганда номер ва жой бериш.

43. Истиқомат қилувчи билан номер, жой ва кўрсатилаётган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш. Истиқомат қилувчилардан қабул қилинган пул маблағларини ўз вақтида бухгалтерияга бериш. Истиқомат қилувчиларни жойлаштириш воситасидаги ҳаракатланишини ҳисобини юритиш. Кирувчи хатларни қабул қилиш ва белгиланиши бўйича етказиш.

44. Жойлаштириш воситасига келаётган меҳмонлар учун номерларни ўз вақтида тайёрлашни, тозаликка амал қилиш, номерларда чойшабларни доимо алмаштириш, мулк ва жиҳозлар бутлигини назорат қилиш.

45. Жойлаштириш воситаси номерлари калитини сақлаш, бериш ва қабул қилиш.

46. Қўшимча хизматларни тақдим қилиш, уларга буюртма қабул қилиш, уларни бажаришни назорат қилиш. Жойлаштириш воситасига тегишли, диққатга сазовор жойлар жойлашуви, спорт иншоотлари ва бошқалар тўғрисида оғзаки маълумотнома бериш.

### §2. Лавозимларнинг намунавий рўйхати

47. Бўлим (хизмат) бошлиғи, маъмур, оператор, протье, ошпаз, официант, қўриқчи.

Тоифасиз жойлаштириш воситалари учун (меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари, ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари, хостеллар, ётоқхоналар)

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | |
|---|---|---|---|
| | 10 гача | 11 - 50 | 51 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | |
| 100 гача | 1 | 2 | 3 |
| 101 ва ортиқ | 2 | 3 | 4-6 |

*** - ***** (3 - 5 юлдуз) тоифадаги меҳмонхоналар учун

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 100 гача | 101 - 200 | 201 - 800 | 801 - 1500 | 1501 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | | | |
| 100 гача | 3 - 5 | | | | |
| 101 - 200 | 5 - 6 | 6 - 8 | | | |
| 201 - 500 | 6 - 8 | 8 - 10 | | | |
| 501 - 1000 | | 10 - 13 | 13 - 15 | | |
| 1001 - 1500 | | | 15 - 17 | 17 - 19 | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1501 - 2000 | | | 17 - 20 | 20 - 23 | |
| 2001 - 3000 | | | 23 - 25 | 25 - 28 | 28 - 31 |
| 3001 - 5000 | | | | 28 - 31 | 31 - 35 |
| 5001 ва ортиқ | | | | | 35 - 39 |

* - ** (1 - 2 юлдуз) тоифадаги меҳмонхоналар учун

| Жой сони | Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 100 гача | 101 - 200 | 201 - 800 | 801 - 1500 | 1501 ва ортиқ |
| | Ходимлар меъёрий сони, киши | | | | |
| 100 гача | 3 - 3,5 | | | | |
| 101 - 200 | 3,5 - 4 | | | | |
| 201 - 500 | 4 - 5 | 5 - 5,5 | | | |
| 501 - 1000 | | 5,5 - 7 | 7 - 7,5 | | |
| 1001 - 1500 | | | 7,5 - 8 | 8,5 | |
| 1501 - 2000 | | | 8,5 | 9 | |
| 2001 - 3000 | | | 9 | 9,5 - 10 | |
| 3001 ва ортиқ | | | | 11 | 12 - 13 |

## 8-боб. Иш юритиш бўйича мутахассис (девонхона)

### §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

48. Иш юритиш. Кирувчи ва чиқувчи хатларга ўз вақтида ишлов бериш, тегишлилиги бўйича етказиш, ҳужжатларни муддатида бажарилишини назорат қилиш. Жорий архивнинг ҳужжат материалларини рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш ва сақлаш ишларини ташкиллаштириш. Ишлар номенклатурасини ишлаб чиқиш, тузилмавий бўлинмаларда ишларни тўғри шакллантирилишини назорат қилиш ва ҳужжатларни ўз вақтида архивга топшириш учун тайёрлаш. Иш юритиш тизимини такомиллаштириш бўйича ишларни амалга ошириш ва таклифларни тадбиқ қилиш.

49. Архивга тушаётган ҳужжат материалларини сақлашни ташкиллаштириш ва бутлигини таъминлаш. Архивга тушаётган ҳужжатларни тизимлаштириш. Архивда сақланаётган ҳужжатларни ҳисобини юритиш. Ҳужжатларни фойдаланиш учун бериш, архивдаги ҳужжатлардан маълумотнома бериш.

50. Хизмат сафари ҳужжатларини расмийлаштириш, хизмат сафарига келганларни рўйхатга олиш.

51. Раҳбар ишига техник хизмат кўрсатиш, раҳбарга керак маълумотларни тузилма бўлинмалари ва ижрочилардан олиш, ташрифчиларни қабул қилишни ташкил қилиш, раҳбар кўрсатмасига асосан алоҳида ҳужжатларни тайёрлаш, раҳбар иш жойини барча зарур нарсалар билан жиҳозлаш.

### §2. Лавозимларнинг намунавий рўйхати

52. Иш юритувчи, котиба, архивариус

| Меҳмонхона тоифаси | Ходимлар меъёрий сони, киши |
|---|---|
| Тоифасиз | 1 |
| * - ** (1 - 2 юлдуз) | 1 - 2 |

| | |
|---|---|
| *** - ***** (3 - 5 юлдуз) | 2 - 3 |

## 9-боб. Касб: гардеробчи

### §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

53. Ташриф буюрувчилардан устки кийимлар, бош кийими ва бошқа шахсий нарсаларни сақлашга қабул қилиш.

54. Ташриф буюрувчига нарсалар сақланаётган жой рақами кўрсатилган жетонни бериш. Жетон тақдим қилинганда кийим ва бошқа нарсаларни ташриф буюрувчига бериш.

55. Ногирон ва ёши катта ташриф буюрувчиларга ечинишлари ва кийинишларида ёрдам кўрсатиш. Сақлашга топширилган нарсаларни бутлигини таъминлаш. Гардероб хонасини тоза ва тартибли сақлаш.

### §2. Ходимларнинг меъёрий сони

| Гардеробдаги жойлар сони | Ходимлар меъёрий сони, сменага киши |
|---|---|
| 100 гача | 1 |
| 101 - 300 | 1 - 1,5 |
| 301 - 500 | 1,5 - 2 |
| 501 - 700 | 2 - 2,5 |
| 701 - 1000 | 2,5 - 3,5 |

## 10-боб. Касб: меҳмонхона ходимаси

### §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

56. Жойлаштириш воситаларининг яшаш номерлари, санузел ва бошқа бириктирилган хоналарни тозалаш ва тоза сақлаш. Яшовчи номердан чиқиб кетгач ётоқ чойшабини ва сочиқларни Мехмонхона химатини кўрсатиш қоидаларида кўзда тутилганидек ўз вақтида алмаштириш. Ётоқларни тозалаш.

57. Яшовчилар номердан чиқиб кетгач чойшабларни қабул қилиш.

58. Яшовчилардан маиший хизматлар учун буюртма олиш ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш.

### §2. Биринчи сменада ишлайдиган меҳмонхона ходималарининг хизмат кўрсатиш меъёрлари

Тоифасиз ва *тоифали (1 юлдуз) меҳмонхоналар учун

| Номердаги хоналар ва жойлар сони | Номерлар тоифаси | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | олий | | биринчи | | иккинчи | | учинчи | | тўртинчи | |
| | Меъёрлар | | | | | | | | | |
| | (номерларга) хизмат кўрсатиш | Номерга хизмат кўрсатиш вақти (соат) | (номерларга) хизмат кўрсатиш | Номерга хизмат кўрсатиш вақти (соат) | (номерларга) хизмат кўрсатиш | Номерга хизмат кўрсатиш вақти (соат) | (номерларга) хизмат кўрсатиш | Номерга хизмат кўрсатиш вақти (соат) | (номерларга) хизмат кўрсатиш | Номерга хизмат кўрсатиш вақти (соат) |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Икки хонали, икки ўринли | 5 | 1,6 | | | | | | | | |
| Бир хонали, бир ўринли | | | 8 | 1,00 | 10 | 0,80 | 11 | 0,73 | 12 | 0,67 |
| Бир хонали, икки ўринли | | | 7 | 1,14 | 9 | 0,89 | 9,5 | 0,84 | 10 | 0,80 |
| Бир хонали, уч ўринли | | | 6,5 | 1,23 | 7,5 | 1,07 | 8 | 1,0 | 8,5 | 0,94 |
| Бир хонали, тўрт ўринли | | | | | | | 7 | 1,14 | 7,5 | 1,07 |

**-***** (2 - 5 юлдуз) тоифадаги меҳмонхоналар учун

| Номердаги хоналар ва жойлар сони | Номерлар тоифаси | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | олий | | биринчи | | иккинчи | | учинчи | | тўртинчи | |
| | Меъёрлар | | | | | | | | | |
| | (номерларга) хизмат кўрсатиш | Номерга хизмат кўрсатиш вақти (соат) | (номерларга) хизмат кўрсатиш | Номерга хизмат кўрсатиш вақти (соат) | (номерларга) хизмат кўрсатиш | Номерга хизмат кўрсатиш вақти (соат) | (номерларга) хизмат кўрсатиш | Номерга хизмат кўрсатиш вақти (соат) | (номерга) хизмат кўрсатиш | Номерга хизмат кўрсатиш вақти (соат) |
| Уч хона икки ўринли | 3 | 2,67 | | | | | | | | |
| Икки хонали икки ўринли | 4,5 | 1,78 | | | | | | | | |
| Бир хонали бир ўринли | | | 7 | 1,14 | 9 | 0,88 | 10 | 0,80 | 11 | 0,73 |
| Бир хонали икки ўринли | | | 6,5 | 1,23 | 8 | 1,0 | 8,5 | 0,94 | 9 | 0,89 |
| Бир хонали уч | | | 5,5 | 1,45 | 7 | 1,14 | 7,5 | 1,0 | 8 | 1,0 |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ўринли | | | | | | | | | | |
| Бир хонали тўри ўринли | | | | | | | 6,5 | 1,23 | 7 | 1,14 |

## §3. Иккинчи ва учинчи сменада ишлайдиган меҳмонхона ходималарининг меъёрий сони

Тоифасиз ва *тоифали (1 юлдуз) меҳмонхоналар учун

| Меҳмонхонадаги жойлар сони | Ходимларнинг меъёрий сони (иккинчи ва учинчи сменага киши) |
|---|---|
| 100 гача | 2 - 3 |
| 101 - 150 | 3 - 4 |
| 151 - 250 | 4 - 6 |
| 251 - 350 | 6 - 8 |
| 351 - 500 | 8 - 11 |
| 501 - 650 | 11 - 15 |
| 651 - 800 | 15 - 19 |
| 801 - 1000 | 19 - 24 |
| 1001 - 1200 | 24 - 29 |
| 1201 - 1400 | 29 - 34 |
| 1401 - 1600 | 34 - 39 |
| 1601 - 1800 | 39 - 44 |
| 1801 - 2000 | 44 - 50 |
| 2001 - 2200 | 50 - 56 |
| 2201 - 2400 | 56 - 59 |

** - ***** (2 - 5 юлдуз) тоифали меҳмонхоналар учун

| Меҳмонхонадаги жойлар сони | Ходимларнинг меъёрий сони (иккинчи ва учинчи сменага киши) |
|---|---|
| 100 гача | 2 - 3,5 |
| 101 - 150 | 3,5 - 5 |
| 151 - 250 | 5 - 7,5 |
| 251 - 350 | 7,5 - 10 |
| 351 - 500 | 10 - 14 |
| 501 - 700 | 14 - 20 |
| 701 - 900 | 20 - 26 |
| 901 - 1100 | 26 - 34,5 |
| 1101 - 1400 | 34,5 - 40 |
| 1401 - 1700 | 40 - 46 |
| 1701 - 2000 | 46 - 54 |
| 2001 - 2400 | 54 - 69 |
| 2401 - 2800 | 69 - 80 |
| 2801 - 3200 | 80 - 92 |
| 3201 - 3700 | 92 - 106 |
| 3701 - 4200 | 106 - 122 |

| | |
|---|---|
| 4201 - 4900 | 122 - 140 |
| 4901 - 5600 | 140 - 161 |
| 5601 - 6350 | 161 - 185 |

## 11-боб. Касб: хўжалик бекаси

### §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

59. Махсус кийим, махсус оёқ кийим ва санитар кийимларни олиш, текшириш ва жойлаштириш воситалари ишчиларига бериш.

60. Махсус жойларда чойшаб, қоплама, портъерларни олиш, текшириш ва сақлаш, фойдаланиш учун қаватларга ва бошқа эксплуатация нуқталарига тарқатиш. Ишлатилган чойшабларни, портъерларни ва б. ажратиш, белги қўйиш ва ювишга топшириш, майда таъмирлар қилиш ва ювилгандан сўнг дазмоллаш.

61. Махсус кийим, чойшаб ва бошқалардан тўғри фойдаланишни назорат қилиш, ҳисобини юритиш.

62. Далолатномалар тузиш ва яроқсиз ҳолга келган махсус ва санитар кийимларни, оёқ кийимларни, чойшаб бошқа буюмларни ҳисобдан чиқариш. Белгиланган ҳужжатларни расмийлаштириш.

### §2. Ходимларнинг меъёрий сони

Тоифасиз жойлаштириш воситалари учун (меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари, ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари, хостеллар, ётоқхоналар)

| Меҳмонхонадаги жойлар сони | Ходимлар меъёрий сони (суткага киши) |
|---|---|
| 100 гача | 1 |
| 101 ва ортиқ | 1,5 - 2 |

* - ***** (1 - 5 юлдуз) тоифали меҳмонхоналар учун

| Меҳмонхонадаги жойлар сони | Ходимлар меъёрий сони (суткага киши) |
|---|---|
| 200 гача | 1 - 1,5 |
| 201 - 400 | 1,5 - 2,5 |
| 401 - 700 | 2,5 - 4 |
| 701 - 1000 | 4 - 5,5 |
| 1001 - 1300 | 5,5 - 7 |
| 1301 - 1600 | 7 - 8 |
| 1601 - 1900 | 8 - 9 |
| 1901 - 2200 | 9 - 11 |
| 2201 - 2500 | 11 - 13 |
| 2501 - 2800 | 13 - 14,5 |
| 2801 - 3100 | 14,5 - 17 |
| 3101 - 3300 | 17 - 18 |
| 3301 - 3600 | 18 - 20 |
| 3601 - 3900 | 20 - 22 |
| 3901 - 4200 | 22 - 23,5 |
| 4201 - 4500 | 23,5 - 25 |
| 4501 - 4800 | 25 - 27 |
| 4801 ва ортиқ | 27 - 31 |

## 12-боб. Касб: омборчи (сақлаш камерасидаги ишлар)

### §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

63. Ташриф буюрувчилардан қўл юкини вақтинча сақлашга қабул қилиш ва биринчи талабга асосан бериш. Иш бошлашдан олдин навбатчилик алмашганда сақлаш камерасидаги нарсаларни қабул қилиш, ҳужжатдагилар билан мавжудларини солиштириш.

64. Нарсаларни сақлашга қабул қилгандан сўнг бутлигини ва эгасига беришда осон топишни таъминлаш учун стеллаж ва токчаларга тартиб билан жойлаштириш.

65. Сақлаш камерасини кунлик тозалаш ва ҳавосини алмаштириш, ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларига амал қилиш.

### §2. Ходимлар меъёрий сони

Тоифасиз ва * - ***** (1 - 5 юлдуз) тоифали меҳмонхоналар учун

| Сақлаш камерасидаги жойлар сони | Ходимлар меъёрий сони (суткага киши) |
|---|---|
| 100 гача | 1 |
| 101 - 150 | 1 - 1,5 |
| 151 - 200 | 1,5 - 2 |
| 201 - 250 | 2 - 2,5 |
| 251 - 300 | 2,5 - 3 |

## 13-боб. Касб: омборчи (моддий бойликлар омборида)
### §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

66. Турли моддий бойликларни омборга қабул қилиш, тарозида тортиш, сақлаш ва бериш, қабул қилинаётган моддий бойликларни юк ҳужжатларига мослигини текшириш.

67. Моддий бойликларни турлари, сифати, белгиланиши ва бошқа белгилари бўйича ажратган ҳолда сақлаш жойига қўлда ёки механизмлар ёрдамида ташиш.

68. Материал ва махсулотларни уларни бузилиши ва йўқолишини олдини олиш мақсадида сақлашни ташкиллаштириш.

69. Юкларни ортиш, тушириш ва уларни омбор ичига жойлаштиришга раҳбарлик қилиш.

70. Омборда сақланаётган моддий бойликлар ҳисобини юритиш ва улар ҳаракати бўйича ҳисобот юритиш.

71. Инвентаризация ўтказишда қатнашиш. Моддий бойликлар бутлигини таъминлаш.

### §2. Ходимлар меъёрий сони

Тоифасиз ва * - ***** (1 - 5 юлдуз) тоифали меҳмонхоналар учун

| Меҳмонхонадаги жойлар сони | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 500 гача | 501 - 1000 | 1001 - 1500 | 1501 - 2200 | 2201 - 3000 | 3001 - 3700 | 3701 - 4500 | 4501 - 6000 |
| Ходимларнинг меъёрий сони, суткага киши | | | | | | | |
| 1 | 1 - 1,5 | 1,5 - 2 | 2 - 2,5 | 2,5 - 3 | 3 - 3,5 | 3,5 - 4 | 4 - 5 |

## 14-боб. Жиҳозларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан банд бўлган ишчилар меъёрий сони

### §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

72. Электр ускуналарини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича электромонтёр, чилангар-таъмирчи, вентиляция ва кондиционерлаш тизимини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича чилангар, назорат ўлчов воситалари ва автоматика бўйича чилангар.

73. Ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш: санитар техник, марказий иситиш тизими, сув таъминоти, канализация, чиқинди – чанг ўтказиш тизими, вентиляция, электр ёритиш ва барча электр ускуналари, машина ва агрегатлар, кучланишли ва компрессор ускуналари двигателлари, ҳавони кондиционерлаш ускуналари, ускуналарга ўрнатилган назорат-ўлчов асбоблари ва автоматик қурилмалар, реле ҳимояси асбоб ва ускуналари, электроавтоматика ва ишлаб чиқариш электросигнализацияси схемаси.

74. Машина ва агрегатларни эҳтиёт-режа таъмири жадвалига асосан даврий кўрикдан ўтказиш, тозалиги, деталларни ювиш ва мойлаш, ускунанинг носозликларини тузатиш, дефектларини ва носозликларни бартараф қилиш. Дефектлар қайдномасини тузиш.

75. Ускуналар механизмлари ва узелларини ишлаб чиқиш, таъмирлаш, йиғиш ва синовдан ўказиш. Таъмирлаш ва йиғиш учун мосламалар тайёрлаш.

76. Оддий кўтариш-ташиш воситалари ва бошқа мосламалардан фойдаланиб такелаж (тахлаш) ишларини бажариш. Таъмирлаш ишларини бажаришда хавфсизлик техникаси қоидаларида кўзда тутилган ҳимоя воситаларини тадбиқ қилиш.

77. Ишлаб чиқариш зарурати ва маълум касблар ишчиларини амалдаги бандлигидан келиб чиқиб ишчиларни касбларга ва тузилмавий бўлинмаларга ажратиш меҳмонхона маъмурияти томонидан амалга оширилади.

78. Техник хизмат ходимлари сонини намунавий бўлиниши қуйидаги жадвалда келтирилган.

### §2. Ходимлар сонининг ўзаро нисбати

| Техник хизматлар номи | Ходимлар сони улуши (% да) |
|---|---|
| Вентиляция ва автоматика хизмати | 27 |
| Электр кучланиш хизмати | 33 |
| Сантехника хизмати | 40 |

Тоифасиз ва * - ***** (1 - 5 юлдуз) тоифали меҳмонхоналар учун

| Меҳмонхонанинг умумий майдони, кв.м | Меъёрий сони, (киши) |
|---|---|
| 4000 гача | 2 - 4 |
| 4001 - 6000 | 4 - 6 |
| 6001 - 10000 | 6 - 9,5 |
| 10001 - 15000 | 9,5 - 13 |
| 15001 - 20000 | 13 - 17 |
| 20001 - 25000 | 17 - 24 |
| 25001 - 35000 | 24 - 29 |
| 35001 - 50000 | 29 - 38 |
| 50001 - 65000 | 38 - 47 |
| 65001 - 80000 | 47 - 58 |
| 80001 - 95000 | 58 - 70 |
| 95001 - 120000 | 70 - 85 |

| | |
|---|---|
| 120001 - 150000 | 85 - 105 |
| 150001 - 190000 | 105 - 130 |
| 190001 - 230000 | 130 - 160 |
| 230001 - 270000 | 160 - 190 |
| 270001 ва ортиқ | 190 - 230 |

## 15-боб. Жойлаштириш воситаси биносига техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмир билан банд бўлган ишчиларнинг меъёрий сони

### §1. Касбларнинг намунавий рўйхати

79. Ўрамли том қопламаси ва донали материаллардан том қопламаси бўйича тунукачи уста, пўлат том қопламаси бўйича тунукачи уста, бўёқчи, пардозловчи – плиткачи, дурадгор, паркетчи, ойначи, сувоқчи, электр-газ пайвандловчи.

### §2. Ишларнинг намунавий рўйхати

- конструкция ва бошқа алоҳида биноларни сақлаш бўйича эҳтиёт-режа ишлари;
- эксплуатация жараёнида юзага келган, кичик зарарлар ва носозликларни бартараф этиш ишлари;
- бино конструкцияларини даврий кўрикдан ўтказиш;
- профилактик таъмирлар.

80. Биноларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш хусусияти ва ҳажмидан келиб чиқиб жойлаштириш воситаси маъмурияти томонидан ходимлар меъёрий сонига тузатишлар киритилиши мумкин. Бундан ташқари, таъмир ишларини алоҳида турларини бажаришда пудратчи ташкилотларни жалб қилиниши сабабли ишчиларнинг ҳақиқий сони меъёрий сонидан кам бўлиши мумкин.

Тоифасиз ва * - ** (1 - 2 юлдуз) тоифали меҳмонхоналар учун

| Бинонинг умумий майдони кв.м | | | | | | | | | | + |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 14000 гача | 14001 - 18100 | 18101 - 23700 | 23701 - 30600 | 30601 - 40300 | 40301 - 52800 | 52801 - 68100 | 68101 - 88900 | 88901 - 115300 | 115301 - 150100 | 150101 - 195900 |
| Ходимлар меъёрий сони (сутка/киши) | | | | | | | | | | |
| 1 - 1,5 | 1,5 - 2 | 2 - 2,5 | 2,5 - 3 | 3 - 3,5 | 3,5 - 4 | 4 - 4,5 | 4,5 - 6 | 6 - 7 | 7 - 10 | 10 - 13 |

*** - ***** (3 - 5 юлдуз) тоифали меҳмонхоналар учун

| Бинонинг умумий майдони кв.м | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 11000 гача | 11001 - 14400 | 14401 - 18700 | 18701 - 24300 | 24301 - 31500 | 31501 - 41000 | 41001 - 53200 | 53201 - 69200 | 69201 - 89900 | 89901 - 116800 | 116801 - 152100 | 152101 - 198300 | 198301 - 257200 |
| Ходимлар меъёрий сони (сутка/киши) | | | | | | | | | | | | |
| 1 - 1,5 | 1,5 - 2 | 2 - 2,5 | 2,5 - 3 | 3 - 4 | 4 - 5 | 5 - 6,5 | 6,5 - 8 | 8 - 11 | 11 - 14 | 14 - 18 | 18 - 23 | 23 - 30 |

## 16-боб. Касб: дурадгор

## §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

81. Мебелларни даврий кўрикдан ўтказиш, тўғри фойдаланиш ва сақлашни назорат қилиш, мебелларни жоирй таъмирлаш. Дераза ва эшикларни таъмирлаш.

82. Мебель ва фурнитураларнинг майда камчиликларини, дераза панжаралари, фрамугаларни тузатиш.

83. Мебел деталларини нуқсонли жойларини тузатиш. Мебелларни майда предметларини ажратиш ва елимлаш. Алоҳида майда деталларни тайёрлаш ва бошқа ишлар.

## §2. Мутаносиблик

Тоифасиз ва * (1 юлдуз) тоифали меҳмонхоналар учун

| Меҳмонхонадаги жойлар сони | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 300 гача | 301 - 400 | 401 - 600 | 601 - 800 | 801 - 1000 | 1001 - 1300 | 1301 - 1600 |
| 1 | 1 - 1,5 | 1,5 | 1,5 - 2 | 2 - 2,5 | 2,5 - 3 | 3 - 4 |

** - ***** (2 - 5 юлдуз) тоифали меҳмонхоналар учун

| Меҳмонхонадаги жойлар сони | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 300 гача | 301 - 500 | 501 - 800 | 801 - 1100 | 1101 - 1500 | 1501 - 1900 | 1901 - 2400 | 2401 - 3000 | 3001 - 3900 | 3901 - 4800 | 4801 - 6000 |
| 1 | 1,5 - 2 | 2 - 2,5 | 2,5 - 3,5 | 3,5 - 4,5 | 4,5 - 6 | 6 - 7,5 | 7,5 - 9,5 | 9,5 - 12 | 12 - 16 | 16 - 19 |

## 17-боб. Касб: швейцар

## §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

84. Кириш эшикларида навбатчилик қилиш, ташриф буюрувчилар ва жойлаштириш воситаларида яшовчиларни кириши ва чиқишини кузатиш. Ташриф буюрувчиларга жойлаштириш воситаларида бўш жойлар мавжудлиги тўғрисида хабар бериш. Жойлаштириш воситаларида яшовчилар илтимосига кўра такси чақириб бериш. Вестибюлни тартибга келтириш, ойналарни, тамбур ва кириш деворларини артиб тозалаш. Эшиклардаги металл предметларни тозалаш.

85. Кириш эшиклари олдидаги ҳудудларни тозалаш. Ёруғлик рекламаларини ёқиш ва ўчириш, сигнализация тизимини текшириш.

86. Швейцарлар меъёрий сони сменада 1 та пост учун – 1 киши этиб белгиланади.

87. Хизмат кўрсатишни ташкиллаштиришни яхшилаш мақсадида юқори тоифали меҳмонхоналарда ташриф буюрчиларни юкларини улар илтимосига кўра ташишда ёрдам кўрсатиш учун қўшимча ишчилар сонини назарди тутиш лозим.

## 18-боб. Касб: лифтер

## §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

88. Лифтларни бошқариш ва соз ҳолатини назорат қилилш. Лифт эксплуатациясини кузатиш.

89. Ҳалокат сигнализациясида телефонни, ёруғлик ва овоз сигнализацияси созлигини, барча тўхташ пунктларидаги автоматик қулфларни, “Стоп” тугмасини

олдиндан текшириб лифтни ишга тушириш. Йўловчи ва юкларга ҳамроҳлик қилганда йўловчилар кириши ва чиқиши ёки юкларни тушириш ва чиқаришни назорат қилиш. Лифтни номинал юк кўтариш қувватига амал қилиш. Лифт ишлашида носозлик аниқланганда лифтни тўхтатиш, навбатчи механикка хабар бериш.

90. Хизмат кўрсатиладиган лифтларни кичик носозликларини тузатиш. Лифт кабиналари, барча тўхташ пунктларидаги қават майдонлари тозалигини сақлаш.

Сменани топшириш ва қабул қилиш журналини тўлдириш.

### §2. Лифтерлар меъёрий сони

91. Лифт кабинасида ҳамроҳлик қилганда – 1 та лифтга сменада – 1 киши;

92. Лифтдан мустақил фойдаланилганда – 1 та постга сменада – 1 киши.

## 19-боб. Касб: ёрдамчи бинолар фарроши

### §1. Ишларнинг намунавий рўйхати

93. Маъмурий бинолар ёрдамчи хоналари, коридорлар, зиналар, ҳожатхоналарни тозалаш, чангларни артиш, супуриш. Деворлар, поллар, ойна ромлари ва ойналар, эшик блокларини қўлда ёки машина ва мосламалар билан ювиш. Мебелларни ва гилам буюмларнини тозалаш.

94. Унитаз, ванна, қўл ювгич ва бошқа санитар-техник ускуналарни тозалаш ва дезинфекция қилиш. Ахлат қутиларини қоғозлардан бўшатиш ва дезинфекция қилувчи суюқликлар билан ювиш. Чиқиндиларни йиғиш ва ўрнатилган жойга олиб бориб ташлаш.

### §2. Ёрдамчи бино фаррошлари учун хизмат кўрсатиш меъёрлари

| Тозалаш объектлари | Меъёрлар | |
|---|---|---|
| | хизмат кўрсатиш, кв.м | кв.м учун хизмат кўрсатиш вақти, соат |
| Умумий фойдаланишдаги ҳожатхона | 100 | 0,08 |
| Умумий фойдаланишдаги душлар | 114 | 0,07 |
| Хизмат бинолари | 267 | 0,03 |
| 2 дан 5 қаватгача бўлган лифти мавжуд бўлмаган бинонинг зина хонаси | 730 | 0,011 |
| Гиламчали йўлак мавжуд бўлганда | 444 | 0,018 |
| 2 дан 5 қаватгача бўлган лифти мавжуд бўлган бинонинг зина хонаси | 890 | 0,009 |
| Гиламчали йўлак мавжуд бўлганда | 533 | 0,015 |
| 5 қаватдан юқори лифти мавжуд бинонинг зина хонаси | 1000 | 0,008 |
| Гиламчали йўлак мавжуд бўлганда | 571 | 0,014 |

| Тозалаш объектлари | Меҳмонхоналар тоифаси | |
|---|---|---|
| | Тоифасиз ва * - ** (1 - 2 юлдуз) тоифали | *** - ***** (3 - 5 юлдуз) |
| | Меъёрлар | |

| | хизмат кўрсатиш , кв м | 100 кв.м га хизмат кўрсатиш вақти, соат | хизмат кўрсатиш , кв м | 100 кв.м га хизмат кўрсатиш вақти, соат |
|---|---|---|---|---|
| Вестибюль ва корридорлар | 615 | 1,3 | 615 | 1,3 |
| Гиламчали йўлак мавжуд бўлганда | 593 | 1,35 | 593 | 1,35 |
| 20 % гача банд қилинган зал | 888 | 0,9 | 572 | 1,4 |
| Жумладан гилам қопламали | 851 | 0,94 | 533 | 1,5 |
| 21 дан 40 % гача банд бўлган зал | 800 | 1,0 | 533 | 1,5 |
| Жумладан гилам қопламали | 769 | 1,04 | 513 | 1,56 |
| 41 дан 60 % гача банд бўлган зал | 727 | 1,1 | 500 | 1,6 |
| Жумладан гилам қопламали | 702 | 1,14 | 482 | 1,66 |